

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 16 май, № 97 (4507)

Жума

## ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 3 апрель кунин Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) саммитида сўзлаган ва Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича аниқ таклифлар ўз ифодасини толган маърузаси хорижий давлатлар сийсий, эксперт-таҳлил, дипломатия доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Жумладан, яқинда Деҳлида бўлиб ўтган «Афғонистонда қайта тиклаш жараёнлари» мавзусидаги халқаро конференция доирасида давлатимиз раҳбари маърузасининг тақдими ўтказилди.

Иштирокчилар Президентимиз томонидан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан илгари сурилган ташаббусларни ижобий баҳоладилар. Жумладан, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт, профессор Д. Қашқир, Хиндустоннинг Афғонистондаги собиқ элчиси, «Жанубий Осиё шарҳ» таҳлилий нашри бош муҳаррири И. Хосла, «Ақрош» таҳлилий нашри бош муҳаррири А. Карим Президент Ислам Каримовнинг маърузасида Афғонистондаги ҳозирги вазиятга аниқ ва тўғри баҳо берилганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари халқаро ҳамжамият диққат марказидан жой олганига эътибор қаратди.

Хиндустоннинг «These Days» ҳамда «Public News» газеталари эса ўз саҳифаларида «Халқаро ҳамкорлик — хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётнинг муҳим омил» сарлавхали катта мақолани чоп этди. Унда ўқувчиларга жорий йил 29-30 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик: унга эришишнинг йўллари ва услублари» мавзусидаги халқаро конференция янгиликларини хусусида батафсил ахборот берилди.

Нашрларда ёзилишича, Тошкентда ўтказилган форум иштирокчилари минтақадagi барқарорликни таъминлаш масалаларини чуқур ва атрафлича муҳокама қилдилар. Унда Афғонистондаги вазият Марказий Осиёда барқарор тараққиёт, шунингдек, минтақавий ҳамда умумбашарий хавфсизликка таъсир ўтказётган асосий омил бўлиб қолаётгани тўғрисида ақидил фикр билдирилди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг НАТО/

СЕАПнинг Бухарестдаги саммитида илгари сурган ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доир ташаббусларига алоҳида эътибор қаратди.

«These Days» ва «Public News» анжуман иштирокчиларининг бу масала бўйича фикр-мулоҳазаларини ҳам келтириб ўтди. Жумладан, мутахассисларнинг сўзларига кўра, Афғонистонга қўшни олти давлат — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой, Эрон, Покистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО ташкилоти иштирок этгани лозим бўлган мулоқот гуруҳи Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўллари топишда ҳамда бу борадаги умумий таъминотлар ва ёндашувларни муҳокама қилишда муҳим воситага айланиши мумкин.

**Мисрининг «Ал-Масайя» газетаси** ҳам Президент Ислам Каримовнинг ташаббусларига бағишланган мақолани чоп этди. Унда ёзилишича, Афғонистондаги мураккаб вазият глобал хавфсизлик таҳдиди солаётган бир шароитда Ўзбекистон раҳбари халқаро ташкилотлар ва давлатларнинг минтақадagi тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга чакирди.

«Ал-Масайя» шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка ҳарбий йўл билан эришиш бўлимаслиги хусусидаги фикрига уруғ беради. Бу мамлакатдаги хавфсизлик аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Ислам Каримов таклифларининг ҳаётга татбиқ этилиши Россия, Осиё ва Европа мамлакатлари генофондида жиддий таҳдид солаётган наркотрафик муаммосига барҳам бериш учун пойдевор яратди.

(Давоми 2-бетда).

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУҚЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлари бозори ҳажми қарийб 21 миллиард сўм ёки 16 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоланмоқда. Мана шу рақамнинг ўзиёқ юртимизда ахборот технологиялари жуда тез суръатларда ривожланаётганини кўрсатиб турибди. Таҳлилчиларнинг фикри ҳам ана шундай. Нега деганда, сўнгги уч йил ичида дастурий маҳсулотлар тайёрловчи компаниялар фаолиятининг ўсиш суръати 1,6 баробарни ташкил этиб, умумий сони 215 тадан ортиб кетди. Уларда яратилган дастурий маҳсулотлар иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида қўлланилиб, рақобатбардошликни ошириш асосида иш сифати ва унумдорлиги яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бугина эмас, иқтисодиётимизни тобора юксалтириб, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтиряпти.

### Кўргазма

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган Дастурчилар миллий форуми ва «Best soft Uzbekistan - 2008» иқтисодлаштирилган кўргазмасида мамлакатимизнинг ахборот технологиялари соҳасида эришилган ана шундай ютуқлар намойиш этилмоқда. Иккинчи бор ўтказилаётган бу тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда БМТнинг «АКТ сийсати» кўмагида ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида сўз олганлар давлатимиз раҳбари томонидан маъмур соҳага иқтисодиётнинг муҳим йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, дастурий

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, шунингдек, иқтисодлашган корхоналарга солиқ имтиёзи қўлланилаётгани қўлга киритилган ютуқларнинг бош омилли эканлигини алоҳида таъкидладилар. Олий ўқув юрлари замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, халқаро алоқалар ўрнатилгани, бундан ташқари, соҳага иқтисодлашган ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилгани тўғрисида дастурий мутахассислар таъкидладилар.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу гал кўргазма тамоман ўзгача йўсинда ташкил-лаштирилди. Яъни нафақат

(Давоми 2-бетда).



## ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2008» — йил иккинчи халқаро кўргазмаси якунланди. Тадбир «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd.» (Буюк Британия) каби халқаро компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Уч кун давом этган кўргазмада Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори нефть-газ саноати соҳасини ислоҳ қилиш борисида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда табиий газ ва нефть қазиб олиш ҳамда этказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бугун Ўзбекистон энергия манбалари ишлаб чиқариш, жумладан, табиий газ қазиб олиш бўйича дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирида туради. Марказий Осиёдаги газ конденсати захираларининг қарийб 75 фоизи, нефть захирасининг 31 фоизи ва табиий газ захирасининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикаси улуғида тўғри келади. Бу эса мамлакатимиз

нефть-газ саноати соҳасида улкан салоҳият ва имкониятларга эга эканидан далолатдир.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси кўп тармоқли йирик саноат-ҳўжалик мажмуи бўлиб, нефть ва газ конларини қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаш, маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқариш ҳамда нефть-газ саноати иншоотларини қуриш каби ишларни муваффақиятли амалга оширишда жумладан, 2007 йилда маъмур компания томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига биноан ўттизта иншоот барпо этилди.

Кўргазмада нефть ва газ қазиб олиш, денгиздаги қазил ишлари, нефть ва газ қудуқлари, қурилиш ва

фойдаланиш, нефть, нефть маҳсулотлари, нефть ва газни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш, нефть кимёси, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноати иншоотларини қуриш, геология, геофизика, сейсмик усуналар ва хизматлар, қувурлар, инжиниринг, назорат-ўлчов асбоблари, техника хавфсизлиги ва ёнгиндан ҳимоя, экологик хавфсизлик, дастурий таъминот, компьютер тизимлари, электротехника ва энергетика усуналари, алоқа ва телекоммуникация каби бўлимлар фаол ишлади.

Нефть-газ соҳасида муҳим воқеа ҳисобланган «OGU 2008» кўргазмаси нефть ва газ қазиб олиш, углеводородларни ташиш, қайта ишлаш борисида миллий ва хорижий компаниялар эришган энг сўнгги ютуқлар билан яқиндан танишиш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилди.

«Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2008» халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиёда

нефть-газ кимёси соҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бағишланган ўн иккинчи халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди. Унда беш юзга яқин олим ва мутахассис иштирок этди.

Конференция иштирокчилари нефть-газ саноатини янада ривожлантириш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, Ўзбекистон ҳудудидаги янги нефть ва газ конларини қидириб топиш, ишга тушириш, нефть ва газни қазиб олувчи, транзит ва истеъмол қилувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид масалаларни кўриб чиқдилар.

Нефть-газ соҳаси борисида ўзаро фикр ва таъриба алмашиш имконини берган маъмур халқаро кўргазма ҳамда конференция келгусида фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мавжудларини янада мустаҳкамлаш, бир-галликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилди.

(Ў.А.)

## «ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ ВА КОРЕЯ ФОНД БИРЖАСИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Мустақилликнинг дастлабки кунларида ноқ Ўзбекистон Республикаси Корей Республикаси билан иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

«Тошкент» республика фонд биржаси (РФБ) Осиёнинг ривожланган фонд биржаси — Корей фонд биржаси (КРХ) билан яқин амалий алоқаларни ўрнатиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳозир КРХ фонд бозорининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича Жануби-Шарқий Осиёда пешқадамлардан бири ҳисобланади. У Осиёдаги кўпжа халқоролари билан фаол ишламоқда, таъриба алмашишда, ривожланаётган давлатлар фонд биржаларини янги технологияларни татбиқ этишда кўмаклашмоқда. КРХ томонидан қимматли қоғозлар савдоси соҳасида яратилган ахборот технологияси — глобал бозорда энг рақобатбардош технологиялардан бири бўлиб, Осиё китбаси биржаларида самарали қўлланилмоқда.

Ўтган йил охирида икки биржа мутахассислари ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳамкорликдаги ишлар натижасида 2008 йилнинг мартида Сеул шаҳрида «Тошкент» РФБ ва Корей фонд биржаси ўртасида ўзаро англашув

08y  
18may  
№95  
14508

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали ҳарбий оила» республика кўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

## ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Унинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, ёш ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, имтиёзли ипотека ва истеъмол кредити олган кўпжа ёш ҳарбий оилалар уйли бўлди, ўз хонадонларини зарур мебель ва бошқа узоқ мuddат фойдаланиладиган буюмлар билан жиҳозлади. Жорий йилнинг январь ойида ҳарбий хизматчиларнинг турархўй таъминоти бағишланган кўргазма бу борада ёш оилаларга янада кенгрок қўлайлик яратди.

(Давоми 2-бетда).

## Тўйга тўёна

Нукус кўчаларида «Самаво» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли замонавий автобуслар қатнай бошлади.

«Баркамол авлод — 2008» спорт уйинлари республика босқичи бошлангани муносабати билан келтирилган маъмур 48 та янги автобус иштирокчилар ва шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатади. Шунингдек, 7 та «Дамас» русумидаги тез ёрдам машинаси Республика шойлиниқ тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалига совға қилинди.

Шу муносабат билан илмий марказда уюштирилган тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимизнинг Қорақалпоғистон халқига кўрсатилган оталарча ғамхўрликларини тўғрисида тўқинлаиб гапирдилар ва эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ушбу ярим гектарлик иссиқхонада йилга 300-500 тоннагача помидор етиштириш мумкин. Энг муҳими, бунинг учун кўп ишчи кучи талаб этилмайди, атиги саккиз нафар мутахассиснинг техник билими-ю, омил-корона меҳнати кифоя қилади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Компьютерлаштирилган ИССИҚХОНА

Ийрик янги мажмуа Ўзбекистон Қўшлов ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Туркия Тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида тузилган лойиҳа асосида барпо этилди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Шунингдек, «Кармана ёғ инвент» МЧК, «Қизилкушина» кўшма корхонаси ҳамда калава ип ишлаб чиқаришга иқтисодлашган «Навбахор текстил» хусусий

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## 2008 йилнинг биринчи чорагида республикамизда товарлар ва хизматлар экспорти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

56,1 фоизга кўпайди.

Бу борада, айниқса, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, кимёвий маҳсулотлар ҳамда хизматлар экспорти ҳажми юкори суръатларда ошганлиги тўғрисида шундай ижобий ўсишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бир рақам шарҳи

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Масайян»нинг таъъини, 29-30 апрель кунлари Тошкентда Афғонистон муаммосига бағишланган конференцияда ўшбу мамлакатда ҳарбий кескинлик қўнаиб бораётган бир шароитда Марказий Осиёда ҳавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётга эришишнинг қарор қилиниши бўлиши мустақам асос яратилиши имкониятлари мажҳуд эканини намойиш қилди.

Тошкент конференцияси якунларини шарҳлар экан, Шанхай халқаро муносабатлар институти Россия ва Марказий Осиё бўлими директори Уринбосари Нинь Цян (Хитой) анжуман юқори даражада ташкил этилгани ҳамда мунозаралар очик ва ошқора муҳитда ўтганини алоҳида таъкидлайди.

Хитойлик экспертнинг фикрича, Ўзбекистоннинг «6+2» мулоқот гуруҳининг фаолиятини «6+3» қўрғинида қайта тиклаш борасидаги ташаббуси жуда аҳамиятли ва ўринлидир. Мутахассиснинг айтишича, Марказий Осиёда етакчи мавқега эга ва Афғонистон билан бевоусита chegarados бўлган Ўзбекистон бу жараёнда, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва ҳавфсизликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ушбу фикрни ривожлантириб, Россиянинг «РИА Но-

вости» ахборот агентлиги «6+2» мулоқот гуруҳи 1997 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Афғонистонга қўшни мамлакатлар, шунингдек, Россия ва АҚШ иштирокида бу ердаги низоларни тартибга солиш мақсадида ташкил этилганини эслатиб ўтади. Мулоқот гуруҳининг сай-ҳаракатлари билан 1999 йил июлида Тошкентда «Афғонистондаги зиддиятнинг бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги декларация қабул қилинди. Тошкент декларацияси Афғонистонда бир-бирига қарама-қарши бўлган томонлар вакиллари иштирокида қабул қилингани эса, айниқса, аҳамиятлидир.

Шу ўринда «РИА Новости» бир саволни ўртага ташлайди: Афғонистонда юзага келган ҳозирги бир шароитда бу каби мулоқот воситасининг фаолиятини йўлга қўйиш мумкинми? Бу хусусда гапириб, россиялик эксперт, Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази президенти В. Наумки, жумладан, шундай дейди: «Ўзбекистон Президентининг барча ташаббусларини тўла маъқуллаш ва қабул қилиш мумкин. Уларнинг аҳамияти шундаки, бу ташаббусларни барча — ҳам минтақавий давлатлар, ҳам Россия ва Фарб унун бирдек фойдалидир.

«Жаҳон» АА.

## «ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ ВА КОРЕЯ ФОНД БИРЖАСИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат ахборот технологиялари, листинг тадбирлар, ахборот алмашиш, таълим ва ҳамкорликда тадқиқот ишларини ўтказиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ўз ичига олган. Меморандумни имзолаш кунларида КРХ Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган фонд бозорида фаол иш олиб боришдан манфаатдор Корей инвестиция компаниялари билан учрашув ташкил этди.

«Тошкент» РФБдан ўза муҳбирига хабар қилишлари, ҳозир икки томон ҳам меморандум бандларини самарали бажармоқда. «Тошкент» РФБнинг дунё капитал бозори трендлари сафига тезроқ қўшилиши мақсадида унинг мутахассислари Сеулда бўлиб ўтажак конференцияда иштирок этади. Айни пайтда меморандум доирасида «Тошкент» РФБ мутахассислари учун Корей Республикасида тезкор ўқув дастурларини ташкил этиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

(ЎЗА).

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан яқинда биринчи ўқишда қабул қилинди. Айни пайтда қўйи палатанинг Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзолари ялпи мажлисга иккинчи ўқишга киритиш мақсадида мазкур лойиҳа устида қизгин иш олиб боришмоқда. Ҳўш, бу қонуннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат, у қимматнинг манфаатларини ҳимоя қилади? Ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишга қандай зарурат тўғрисида? Шу ва бошқа саволлар билан муҳбиримиз мазкур қўмита аъзоси Бахтиёр СОАТОВга мувожаат қилиб, мазкур лойиҳа ҳақида батафсил сўзлаб беришини сўради:

# ЯНГИ СУҒУРТА ТИЗИМИ

### меҳнат муҳофазасини янада такомиллаштиради

— Мамлакатимизда мазкур қонун лойиҳаси устида биринчи мартаба иш олиб борилмоқда. Илгари ушбу соҳани тартибга солувчи қонун умуман бўлган эмас. Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури»да мазкур қонунни яратиш борасида аниқ кўрсатилган берилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштиришга қўллаб-қўллаб экспертлар, соҳа мутахассислари ва олимлар жалб қилинаётди. Бу борада аҳолининг турли қатламлари фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Ушбу масалада ўтказилган йиғилишларда билдирилган 60 дан ортиқ тақли синчиклаб ўрганиб чиқилди.

Айни вақтда мамлакатимиздаги суғурта компаниялари 450 дан ортиқ шохбўчага эга. Лекин уларнинг деярли ярми Тошкент

шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Қонун лойиҳасида юртимизнинг ҳар бир ҳудудда суғурта компаниялари бўлиши фаолият юритиши ва улар аҳолига хизмат кўрсатиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир иш берувчи ҳодимлар олдидаги ўз жавобгарлигини суғурталаш талаб этилади.

Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда ҳодимларнинг ҳам-ёнига ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва тақдим этилаётган хизмат таннархига салбий таъсир кўрсатмаслиги эътиборга олинапти.

— Иш берувчининг ҳодим ўз хизмат вазифасини бажариши чоғида кўрган зиёни қоплаш бўйича харажатлари қорхонанинг молиявий аҳолига қатта таъ-


тузилишини назарда тутати. Бундан ташқари, суғурта суммаси мажбурий суғурта шартномасини тузиш чоғида меҳнатга ҳақ тўлашнинг йиллик фонди миқдорини белгилашни лойиҳада акс эттирилмоқда.

### Парламент ҳаёти

Мисол учун, ҳалок бўлган ҳодимнинг фарзанди ҳозир 4 ёшда бўлса, унга воёга етгунга қадар 12 йил нафақа тўлашни лозим. Бироқ ушбу вақт ичида қорхона банкрот бўлмаслиги ёки тугатилишга ҳеч қим қарор берилмайдими. Суғурта компанияси ана шу тўловларнинг барчасини ўз зиммасига олади.

— Қонун лойиҳасида иш берувчининг барча мажбурий суғурта шартномасини тўлиқ ўз зиммасига оладими?

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУҚЛАРИ ТАҚДИМОТИ



қизиқиш уйғотмоқда. Биз унинг аҳамияти ҳақида компания менежери Нодира Мақсудовадан сўрадик.

— Бу тизим Интернет тар-

моғи ва мобил телефон орқали қўллаб-қўллаш имконияти берилиши билан инсон ва моддий ресурсларни те-

лаб сарфлаб юрмай, ушбу тизим орқали амалга оширишнинг мумкин. Шу билан бирга, унинг ичида ўтириб, мамлакатимиз бўйича Интернет-дўконлардан ўзининг керакли маҳсулотни харид қила оласиз. Бундан ташқари, янги тизим истеъмолчи учун ҳавфсизлиги, қулайлиги ва самарадорлиги билан манзур бўлади.

Айтиш жоизки, кўрғазмада нафақат бундай дастурий маҳсулотлар намойиш этилади, балки тадбир доирасида ташкил этиладиган дара суҳбатлари, амалий семинарларда дастурчилар ўзаро таҳриб алмашиб, ишланмаларнинг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қиладилар. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Кўрғазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этади.

Санд РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири,  
Сарвор ўРМОНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур танловдан қўзланган мақсад ҳам ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизиқиш ва интишларини ўрганиш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

## ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Дастлабки босқичда голиб чиққан 10 оила аъзолари иштирок этган тадбирда биринчи ўринни Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қилаётган сержант Зафар Юсупов оиласи қўлга киритди. Иккинчи ўрин Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти вақили, капитан Ҳабибулла Қурчиев оиласига насиб этди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти вақили, майор Олимжон Қултоев оиласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

— «Энг намунали ҳарбий оила» танловида биринчи ўринни қўлга киритганимдан жуда хурсандимиз, — дейди сержант З. Юсупов. — Танловда турмуш ўртоғим, тарих фани ўқитувчиси Дипломхон, фарзандларим Мадина, Хуршида ва Сардорбек билан иштирок этдик.

Ҳали бу танлов иштирокчилари ташкилотчиларнинг махсус диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, мудофаа вазيري Э. Мирзаев иштирок этди.

Х. САЛИМОВ,  
ЎЗА муҳбири.

Кексаларимиз дуога қўл очганда, «Омборинг донга, таңдиринг нонга тўлсин» дейди. Бу беҳиз эмас. Зотан, дастурхонимиз тўқилиши ҳам, рўзгоримиз бутлиги ҳам ана шу ағиз незмат тўғрисида. Шўқриқ, бугун омборимизда донимиз мўл. Аммо бу тўқилишга осонликча эришилгани йўқ. Мустақиллигимизнинг илк йилларида дон ва дон маҳсулотларида танқислик рўй бергани ҳали кўпчиликнинг хотирасидан ўчмаган.

Қўли қадок миришкор деҳқоннинг, ўзини масъул деб билган раҳбарнинг тинимсиз меҳнати тўғрисида бугун гапла мустақиллигимизга эришилди. Бироқ зиммасига халқимиз дастурхонини нон ва дон маҳсулотлари билан тўлдирди. Мазкур маънавий вазифа юқланган баъзи мансаб эгаларининг нафисига эрк бериб, гапларкорларнинг пешона тери эвазига етиштирилган бугунги талон-торож этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунинг илмий ҳавфсизлик хизмати Наманган вилояти бошқармаси томонидан «Намангандон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ мансабдор ва масъул ҳодимларига нисбатан Жиноят ҳоқисининг ўзлаштириш ёки расстрада йўли билан талон-торож қилиш, мансаб вақолатини суистеъмол қилиш, мансаб соҳтакорлиги моддалари билан қўзғатилган ва вилоят судида қўрилган жиноят иши тафсилотида яққол кўриш мумкин.

Олиб борилган назорат-тектирив ва суриштирув ишлари давомида жамиятда — жуда қатта миқдорда — 3 миң 500 тоннадан ортиқ бугунги камомлади борлиги аниқланди. Хисоб-китобларга кўра, талон-торож қилинган бугунги бозор нархи 1 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Мутахассислар томонидан ўтказилган тафтиш натижаларида аён бўлишича, бу камомад давлатга бугунги топшириш йиллик шартнома режасини ўдалай олмаган баъзи ширкат ва фермер хўжалиқлари хисобига бугунги қўшиб ёзиш, чиқиндилар миқдорини ва бошқа бир қанча ҳужжатларни сохталаштириш хисобига юзага келган. Жиноят ишда тўпланган далиллар, ушбу қўғир ишлар бошида 2004 йил-

Жамиятга қарашли Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохбўчаси мудири Р. Домлажонов ҳам «ҳожатбарорлик» да ҳаммаси О. Холхоновдан қилишмас эди. 2005 йили айни бугунги ўроқ тўшган маҳали Тўрақўрғон ва Мингбулак туманларидаги олти ширкат ва фермер хўжалиги хисобига жами

вагонга 70 тонна ўрнига 49 тоннадан бугунги йўл билан берилтилади. О. Холхоновнинг елкасини эзиб, халоватини йўқотган камомадлар барҳам топган, кўрсатган ёрдамлар таъйёрлангани ҳам аниқланди. Ана шундай қўзғабунчилик, қўшиб ёзишлар оқибатида йиллик шартнома режасини бажара олмаган баъзи фермер хўжалиқлари давлатнинг жуда қатта маблағини ўзлаштириб юборган.

Тергов даврида А. Усмонов қабул қилинган бугунги намлик даражаси юқори бўлгани, қўрилганда эса вақни ўзгартириш, баъзи хўжалиқлардан жуда ифлос бугунги топширилгани, уларни тозалаш оқибатида қўп миқдорда бугунги чиқиндига чиқариб юборилганини исботлашга уриниб, сувдан қўруқ чиқшига ҳаракат қилди.

«Намангандон маҳсулотлари» АЖ хайдовчиси А. Абдуллаевнинг гувоҳлик беришича, элеватор мудири А. Усмонов ва элеватор навбатчи муҳандиси М. Тўрақўжаевлар унга қорхона ҳудудини олиб чиқилган қорхона қўғирлар учун бир неча юк хатларига имзо чекириб олинган. Баъзида эса А. Усмонов томонидан сохта юк хатларини тайёрлаб, хайдовчи А. Абдуллаевнинг имзоси қалбақлаштирилган. Элеватор мудирининг қўрсатиши билан қорхона қорувли А. Абдуллаев олиб чиқиб кетилмаган баъзи чиқиндилар учун ҳам қайд дафта-

ри Р. Домлажонов, «Заркент» ширкат хўжалиги собиқ раиси А. Масаидовларга энг кам иш ҳақининг 550 баравари, Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохбўчаси тарозибони О. Дадабоев, «Намангандон маҳсулотлари» АЖ элеватор тарозибони А. Азимовларга энг кам ойлик иш ҳақининг 450 баравари миқдориде жарима тайинланган. 3 йил ахлоқ тузатиш ишига ҳўк қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, судланувчиларга тайинланган жазо учундан бирига қисқартрилди. Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида тўрт юз миллион сўм ундирилганини эътиборга олган суд, етказилган зарарнинг қолган қисми — 1 миллиард сўмини судланувчилардан ундиришни лозим топди.

Зиммасига давлат эҳтиёжи учун дон қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаб, аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашдек ўта маъсуллик вазифа юқланган С. Бобожоновнинг қўзғабунчилик, олтирилик ва сохтакорлик ишларига ўзи бош-қош бўлишини, бу ҳам етмаганиддек, қатта-қатта ерларга эгаллик қилиб олиб, ишнинг қўзини билмаган тадбирсиз, ер билан тиллаша олмайдиган баъзи фермер хўжалиқларининг ҳамтовогога айланиб қолишини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайдими. Баски, раҳбар шундай экан, унинг қўли остидагилардан нимани кутиш мумкин? Ҳар қандай ташкилотда раҳбар елкасидаги маъсулиятни унутиб, ишонча панча орасидан қараса, ўша жойга нопоклик оралайди, жиноятга йўл очилиб, давлат ва жамият мудири талон-торож этилади. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди ҳўкими билан танишиб, чиқарган ҳўлосамиз — ана шу бўлди.

Ш. ЖУМАЕВ.

# НАФСИДАН ИЛИНГАНЛАР

### ёки «Намангандон маҳсулотлари»даги талон-торожликлар хусусида

дан буён жамият бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келаётган Соҳаб Бобожонов турганини кўрсатди. Сиртдан қараганда, жамиятда ҳамма нарса рисоладагидек, барча ишлар қонуний олиб борилган. Ташкил келинган гапла ҳосили несобуд қилинмай қабул қилинган. Тарозид оқибатида турнақатор навбат кўтишлар юзага келмаган. Намлиги юқори ҳосил ҳам ўз вақтида қўриб олинган. Аммо буларнинг бари қороз-қўзғатларда, ҳолос. Аслида эса...

2005 йилнинг июль ойида Янгиқўрғон туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги бугунги етиштириш бўйича зиммасигаги шартнома режасини бажара олмайди. Чорасиз қолган хўжалик раиси туман дон қабул қилиш шохбўчаси мудири О. Холхонов билан келишди. «Заркент» ширкат хўжалиги хисобига 2005 йилнинг 12-14 июль кунлари сохта №408 ва №445-сонли юк хатларини тайёрлаб, 200 тонна бугунги қўшиб ёзади. Хўжалик раиси эса шохбўча мудирининг «яхшилиги»ни 16 миллион сўм билан сўйлайди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, «Хадикент» ширкат хўжалиги раиси А. Нахмиддиров ҳам шохбўча мудири олдида «арзимасгина илтимос» билан қиради. Ҳожатбарор О. Холхонов унинг ҳам ҳожатини чиқаради, ҳосилга 60 тонна қўшиб ёзади.

110 тонна бугунги қўшиб ёзади. Мавсум тўғаб, Янгиқўрғон дон қабул қилиш шохбўчасида йиғиштирилиб олинган ҳосил хисоб-китоб қилинганда, 850 тонна бугунги камомлади борлиги аён бўлиб қолади. Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохбўчасида эса бу камомад 170 тоннани ташкил этар эди. О. Холхонов ва Р. Домлажоновлар жамият раиси С. Бобожоновга қўрилади йўл олишиб, камомадларни тўрилашда қўмақ сўрашади. Негаки, ана шу камомадларнинг юзига келишди С. Бобожоновнинг «хиссаси» қатта эди-да!

Туман дон қабул қилиш шохбўчаси мудири томонидан баъзи ширкат хўжалиқлари хисобига бугунги қўшиб ёзишга айнан Бобожонов бир неча бор озғани қўрсатма берган эди. Жамият раиси юқоридеги камомадларнинг ўрнини тўлдириб қўйишни элеватор мудири А. Усмоновга топширади ва ҳатто камомадни беркитиш йўл-йўригини ҳам кўрсатади. Келишувга биноан, Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохбўчаси оқибатида жамланган барча бугунги «Намангандон маҳсулотлари» омборига топшириш маҳали Р. Домлажонов томонидан сохта юк хўжатларини тайёрланади. Гап шундаки, у ҳар бир

даги 850 тонна камомад ҳам худди шундай йўл билан берилтилади. О. Холхоновнинг елкасини эзиб, халоватини йўқотган камомадлар барҳам топган, кўрсатган ёрдамлар таъйёрлангани ҳам аниқланди. Ана шундай қўзғабунчилик, қўшиб ёзишлар оқибатида йиллик шартнома режасини бажара олмаган баъзи фермер хўжалиқлари давлатнинг жуда қатта маблағини ўзлаштириб юборган.

Тергов даврида А. Усмонов қабул қилинган бугунги намлик даражаси юқори бўлгани, қўрилганда эса вақни ўзгартириш, баъзи хўжалиқлардан жуда ифлос бугунги топширилгани, уларни тозалаш оқибатида қўп миқдорда бугунги чиқиндига чиқариб юборилганини исботлашга уриниб, сувдан қўруқ чиқшига ҳаракат қилди.

«Намангандон маҳсулотлари» АЖ хайдовчиси А. Абдуллаевнинг гувоҳлик беришича, элеватор мудири А. Усмонов ва элеватор навбатчи муҳандиси М. Тўрақўжаевлар унга қорхона ҳудудини олиб чиқилган қорхона қўғирлар учун бир неча юк хатларига имзо чекириб олинган. Баъзида эса А. Усмонов томонидан сохта юк хатларини тайёрлаб, хайдовчи А. Абдуллаевнинг имзоси қалбақлаштирилган. Элеватор мудирининг қўрсатиши билан қорхона қорувли А. Абдуллаев олиб чиқиб кетилмаган баъзи чиқиндилар учун ҳам қайд дафта-

ри Р. Домлажонов, «Заркент» ширкат хўжалиги собиқ раиси А. Масаидовларга энг кам иш ҳақининг 550 баравари, Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохбўчаси тарозибони О. Дадабоев, «Намангандон маҳсулотлари» АЖ элеватор тарозибони А. Азимовларга энг кам ойлик иш ҳақининг 450 баравари миқдориде жарима тайинланган. 3 йил ахлоқ тузатиш ишига ҳўк қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, судланувчиларга тайинланган жазо учундан бирига қисқартрилди. Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида тўрт юз миллион сўм ундирилганини эътиборга олган суд, етказилган зарарнинг қолган қисми — 1 миллиард сўмини судланувчилардан ундиришни лозим топди.

Зиммасига давлат эҳтиёжи учун дон қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаб, аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашдек ўта маъсуллик вазифа юқланган С. Бобожоновнинг қўзғабунчилик, олтирилик ва сохтакорлик ишларига ўзи бош-қош бўлишини, бу ҳам етмаганиддек, қатта-қатта ерларга эгаллик қилиб олиб, ишнинг қўзини билмаган тадбирсиз, ер билан тиллаша олмайдиган баъзи фермер хўжалиқларининг ҳамтовогога айланиб қолишини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайдими. Баски, раҳбар шундай экан, унинг қўли остидагилардан нимани кутиш мумкин? Ҳар қандай ташкилотда раҳбар елкасидаги маъсулиятни унутиб, ишонча панча орасидан қараса, ўша жойга нопоклик оралайди, жиноятга йўл очилиб, давлат ва жамият мудири талон-торож этилади. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди ҳўкими билан танишиб, чиқарган ҳўлосамиз — ана шу бўлди.

Ш. ЖУМАЕВ.

**ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА Э Ў Л О Н**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти институтга кириш арафасида инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганишни хоҳлаган абитуриентлар учун инглиз тили бўйича тайёрлов курсларини таклиф қилади.

Тайёрлов курсида ўқув жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган меъёрлар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

**Профессор-ўқитувчилар таркиби**

Инглиз тили бўйича тайёрлов курслари республикамиз олий ўқув юртлири ҳамда Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

**Тайёрлов курсларининг тафсилоти**

Тайёрлов курслари IELTS бўйича 5.0 балл йиғма олмаган абитуриентлар учун инглиз тили бўйича бошланғич дастур сифатида тақдим этилади. Мазкур курсни тамомлаган талабалар Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 1-курсига қабул қилиниши учун инглиз тили бўйича имтихонни институтда топширишлари мумкин.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти инглиз тили бўйича 3 босқичдаги тайёрлов курсларини таклиф қилади:

- ўрта (6 hafta);
- юқори-ўрта (6 hafta);
- юқори (4 hafta).

Тайёрлов курслари 2008 йилнинг 23 июнидан бошланади.

**ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

**Мақсад**

Курслар давомида талабалар куйидагиларни ўрганадилар: сайёҳлик учун чоп этиладиган газета ва брошюралардаги мақолалардан парчалар; аризалар (ишга жойлашиш учун), норасмий хатлар ва газеталар тахририятларига ёзилган хатлар (мақола ҳақидаги хулоса); ариза шакллари; эълонлар; фильмлар, спектакль, китоблар ва кўнгилолчар дастурларга оид қисқа шарҳлар; курсатма ҳамда ахборот берувчи мақолалар; қисқа ва кўнгилолчар хикояларни ўқиш ва тушуниш.

**Ўқув жараёнидан кутиладиган натижалар**

Дастур якунида талабалар куйидаги кўникмаларга эришишлари кутилмоқда:

**Ёзма нутқ кўникмалари:**

- расмий хатлар ёзиш;
- тавсифли ва ҳикояли иншоларни ёзиш;
- қисқа тавсифли хикоялар ёзиш;
- белгиланган намунадаги ариза шакллари тўлдириш;
- аризаларни ёзиш (ишга жойлашиш учун);
- миннатдорлик хатларини ёзиш;
- фильм, спектакль ва кўнгилолчар дастурларга оид қисқа шарҳларни ёзиш;
- сериаллар учун сценарийлар ёзиш;
- газета тахририятига мақола ҳақида хулоса ёзиш.

**Эшитиш қобилияти:**

- вазиятли сўхбатлар, интервьюлар ва ҳикояларни эшитиш ҳамда тушуниш.

**Оғзаки нутқ кўникмалари. Мулоқот.**

- Холатлар ва воқеаларни тасвирлаб бериш.
- Режалар ва орзулар ҳақида гапириб бериш.
- Фактларга асосланган маълумотларни олиш ва бериш.
- Ихтимой масалалар бўйича шахсий фикрлар ва қарашларни баён этиш.
- Юз бераётган ҳолатни муҳожама қилиш.
- Фикр юритиш жараёнини сўз билан ифодалаш.
- Хис-туйғуларни ифодалаш.
- Мулоқот қилиш.
- Маслаҳат сўраш ва бериш.
- Одамлар орасида тақдимотлар қилиш (маърузани таъсирчан ташкил этиш; мазмунни кетма-кетликда ифодалаб бериш; маърузани таъсирчан яқунловчи сўз билан тугатиш).
- Жамоа муҳожамаларида қатнашиш.

1. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилининг тайёрлов курслари 3 та босқичга 400 нафар тингловчини қабул қилишни режалаштирган.
2. Барча аризалар 2008 йил 21 июнга қадар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Қабул ҳайъатига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
  - белгиланган намунадаги ариза;
  - умумтаълим мактабининг аттестати, академик лицей, касб-хунар коллежи дипломи ёки олий ўқув муассасасининг дипломи нусхаси;
  - 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат.
3. Танлов қабул ҳайъати томонидан ўтказилади.
4. Тайёрлов курсларига қабул қилинганлар рўйхати 2008 йилнинг 28 июнидан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

**Тайёрлов курсларида таҳсил олиш учун тўлов миқдори**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига қабул қилинган абитуриентларга инглиз тили бўйича тайёрлов курсларида таҳсил олиш учун тўланган маблағлари ҳомийлар томонидан қайтариб берилади.

**Ахборот учун маълумот**

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси** манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: +(998 71) 238-69-68, 232-14-00. Факс: 238-69-62. E-mail: office@uba.uz, Web-site: http://www.uba.uz

**Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти** манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100185, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги шоҳжўчаси, 28-уй. E-mail: mdis\_uz@mdis.edu.sg

**ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ БАКАЛАВРИАТИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА Э Ў Л О Н**

**Институт тўғрисида**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилига бакалавриат дастурининг «Бизнес бошқаруви/менежмент» йўналиши бўйича қабул эълон қилади.

Ўқув жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган меъёрлар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

**Профессор-ўқитувчилар таркиби**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг академик ходимлари таркиби маҳаллий ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ўқитувчиларидан ташкил топади. Юқори академик андозаларни таъминлаш мақсадида институтга етакчи халқаро молия институти, таълим муассасалари ва илмий марказларининг юксак малакали маслаҳатчилари, экспертлари ҳамда мутахассислари жалб этиладилар.

**Диплом**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти томонидан бериладиган диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этилади ҳамда сифати ва андозалари бўйича Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) томонидан бериладиган илмий даражага тенг бўлади.

**Институтдаги таълим дастурлари**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилига бакалавриат дастурининг «Бизнес бошқаруви/менежмент» йўналиши бўйича қуйидаги мутахассисликларга қабул эълон қилади:

- тадбиркорлик ва менежмент — фанлар бакалаври;
- бизнес ва маркетинг — фанлар бакалаври.

Дарслар инглиз тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 4 йил. Дарслар 2008 йилнинг 6 октябрдан бошланади ва кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

**Қабул қодалари**

1. 2008/2009 ўқув йилида «Бизнес бошқаруви/менежмент» факультетига жами 220 нафар талаба, шу жумладан, «Тадбиркорлик ва менежмент» мутахассислиги бўйича 110 нафар ҳамда «Бизнес ва маркетинг» мутахассислиги бўйича 110 нафар талаба қабул қилинади.
2. Ҳужжатлар 2008 йилнинг 5 августигача соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

**Қабул ҳайъатига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

- институт ректори номига ариза (мутахассислик номи кўрсатилган ҳолда);
- Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг ариза шакли (Application form) тўлдирилади;
- умумтаълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисидаги аттестатнинг, академик лицей ёки касб-хунар коллежини битирганлик тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (иккинчи олий маълумотга эга бўлишни хоҳлаганлар учун);
- IELTS ёки TOEFL сертификатлари (эквивалент);
- 086-шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат;
- паспорт ва қайд этиш (ҳарбий хизматга мажбурлиги ҳақида) гувоҳномасининг нусхалари.

3. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига қабул қилиниши учун абитуриентлар IELTS ёки TOEFL сертификатини (эквивалент) тақдим этишлари лозим. Мазкур сертификатларга эга бўлмаган абитуриентлар инглиз тили бўйича кириш имтихонини 2008 йил 11 августдан 13 августгача институт биносида топширишлари мумкин.

4. Биринчи (умумтаълим) курсга қабул қилиниши учун IELTS бўйича натижалар 5.0-5.5 дан кам бўлмаган балли (TOEFL эса 500-549 балли) ташкил этиши, умумтаълим мактаби аттестати, академик лицей ёки касб-хунар коллежи дипломи бўйича ўртача балл 4.0 дан кам бўлмаслиги лозим.

5. Институтнинг иккинчи курсига куйидаги шахслар қабул қилиниши мумкин:

- IELTS бўйича 6,0 кам бўлмаган ёки TOEFL бўйича 550 баллга эга;
- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлирининг 1-курсини тугатган ёки 2-мутахассислик олиш учун олий ўқув юртини тўлиқ тугатган.

6. Танлов қабул ҳайъати томонидан ўтказилади.

7. Қабул ҳайъати қарори 2008 йилнинг 27 августидан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

**Ўқиш учун тўлов қиймати**

Институтда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Контракт қиймати бир йилга 4200 АҚШ долларини ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича).

**Грантлар ва стипендиялар**

Институтга қабул қилинишда энг юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган абитуриентлар, асосан, мамлакат минтақаларидан келган ёшлар Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, тижорат банклари ва бошқа ҳомийлар томонидан таъсис этиладиган махсус грантлар бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси томонидан таъсис этиладиган махсус таълим грантлари бўйича ўқиш ҳуқуқи берилган талабалар билан ўқишни тамомлаганларидан сўнг тақсимотга мувофиқ 5 йил давомида ишлаб бериш ёки таълим олиш учун сарфланган маблағларни қоплаш мажбуриятини кўзда тутувчи шартнома тузилади.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаларига стипендия тўланмайди.

**Ахборот учун маълумот**

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси** манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: +(998 71) 238-69-68, 232-14-00. Факс: 238-69-62. E-mail: office@uba.uz, Web-site: http://www.uba.uz

**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти** манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100185, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги шоҳжўчаси, 28-уй. E-mail: mdis\_uz@mdis.edu.sg



**TURKJOY QURISH TENDER E'LOHI**

UTBANK (O'ZBEKISTON — TURKIYA QO'SHMA BANKI)

O'zbekiston, Toshkent shahri, «Janggoh» mahallasida turarjoy qurdirmoqchi.

**KONUT YAPIM İHALESİ İLANI**

UTBANK (UZBEKISTAN — TURKISH BANK)

Özbekistan Taşkent şehri Janggoh mahallesinde konut inşaatı yaptıracaktır.

**İhalenin kapsamı:**

- Kurumumuzda çalışan personelimiz için belirtilecek şartname esaslarına göre konut inşaatı gotürü bedel anahtar teslimi proje ve inşaat yarımı işlerini kapsamaktadır.
- İhaleye teklif verecek olanların ihale dökümanlarını 05 Haziran 2008 tarihine kadar almaları zorunludur.
- Gereklı bilgi ve dökümanlar aşağıda belirtilen adresten bedelsiz olarak temin edilebilir.
- Kapalı zarfla verilecek teklifler engeç 12 Haziran 2008 Perşembe günü saat 15.00 a kadar UTBANK'ın aşağıda belirtilen adresine elden teslim edilecektir. Posta faks veya internet ile yapılacak başvurular kabul edilmeyecektir.
- Toplanan teklifler UTBANK Yönetim Kurulunun ilk toplantısında bir bütün olarak değerlendirilerek gizli olarak açılacaktır. Bu konudaki karar teklif sahiplerine iletilecektir.
- En uygun teklifin tespitinde UTBANK sadece fiyat esası ile hareket etmeyecek proje ve yüklenicinin durumuna göre dilediği kişi veya firmaya vermekte serbest olacaktır.
- Bu konuda iştirakçiler Özbekistan mevzuatı ve Banka iç mevzuatı gereğince Yönetim Kuruluna hiç bir hak iddia edilemeyeceği önceden kabul edilecektir.

**İletişim Bilgileri:**

UTBANK Genel Müdürlüğü, 15/B Chalklar Dustlığı Ave. 100043 Taşkent/Özbekistan Telefon: +(99871) 273 83 25 Fax: +(99871) 273 90 51 Web-site: www.utbk.com

**Tender o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi:**

- bankimizda ishlayotgan xodimlarimiz uchun shartnomada asosida mo'ljalangan turarjoy qurish va tayyor xonadon «kaliti» taqdim qilinishini o'z ichiga oladi;
- tenderda qatnashmoqchi bo'lganlar hujjatlarini 2008-yil 5 iyungacha topshirishlari kerak;
- kerakli hujjat va ma'lumotlar quyidagi manzildan bepul ta'minlanadi;
- takliflar xat asosida eng kechi 2008-yil 12-iyun kuni soat 15.00 gacha UTBANKning quyida ko'rsatilgan manziliga topshiriladi. Pochta, faks yoki internet orqali yuborilgan takliflar qabul qilinmaydi;
- yig'ilgan takliflar UTBANKning Bank Kengashi yig'ilishida berkitilgan holda ochiladi. Bu boradagi qarorlar takliflar egalariга yuboriladi;
- eng ma'qul taklifning aniqlanishida UTBANK faqatgina narx asosida harakat qilmay, loyiha va zimmasiga oluvchining vaziyatiga qarab ham xohlagan firmani tanlashda mustaqildir;
- bu borada ishtirokchilar tomonidan O'zbekiston qonunchiligi va bankning ichki tartib-qoidalariga asosan, Bank Kengashiga hech qanday haq talab etilmasligi oldindan qabul qilinadi.

**Murojaat uchun manzil:**

UTBANK Boshqaruv Raisligi, 15/B, Xalqlar do'stligi shohko'chasi, 100043, Toshkent shahri, O'zbekiston. Telefon: +(99871) 273-83-25. Fax: +(99871) 273-90-51. Internet manzili: www.utbk.com

**SONATA** **Ўз йўлингни танла!**

**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.** МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner **Tel. 250-11-11**



Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод-2008" спорт мусобақалари машъаласини Нукус шаҳрига олиб бораётган спортчилар Навоий вилоятидан ўтиб, Бухоро шаҳрига келди.



МАШЪАЛА — БУХОРОДА

Марафончилари навоийлик ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари тантанали кутиб олди. Навоий педагогика коллежиди марафончилар билан бўлган учрашувда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хар томонлама Баркамол авлоднинг тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг билмас олиши, жисмонан соғлом кимол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, икитдорли йигит-қизларимиз халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани тасдиқланди. Коллеж бадий жамоаси ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Мамлакатимиз ёшларининг ўзига хос спорт байрамига айланган "Баркамол авлод — 2008" спорт уйинлари машъаласи Фиждубон, Вобкент ва Галаосиё шаҳарларини ортда қолдириб, Бухоро шаҳрига кириб келди.

Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзга чиққан Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт уйинлари навқирон авлод камолотида муҳим омили бўлаётганини қайд этдилар. Нукусда бўладиган мусобақаларда Бухоро вилояти жамоаси ҳам совринли ўринлар учун курашиш ниятида.

"Баркамол авлод — 2008" спорт уйинларининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишим осон бўлмади, — дейди Бухоро давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси, шахмат бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Равшан Ҳамроев. — Вилоятимиздаги элликдан зиёд касб-хунар коллежи ва беш академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган саралаш босқичларида ўз икитдорлини кўрсата олганларгина "Баркамол авлод-2008" спорт уйинлари финал босқичида катнашиш шарафига мусариф бўлди. Бу Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Баркамол авлод" спорт уйинларининг нуфузи тобора ошиб бораётганидан яна бир далиллардир. Шу боис Нукусда ўтажам мусобақалар ёшлик, дўстлик, спорт байрамига айланиши шубҳасиз. (ЎзА).

СИЗ ҲАМИША АЗИЗСИЗ

Одамзотнинг табиати қизиқ экан. Ниманидир йўқотгандан сўнг қадрини англаб етиши, бошқача қилиб айтганда, кўзи очилишини ҳаёт кўрсатиб келмоқда. «Отам бу дунёдан ўтгандан кейин бола-бақрага тўла хонадонимиз хувиллаб қолди, — дейди яқин бир дўстим, — нимаки иш қилай десам, маслаҳат сўрадим. Фотиҳаларини олгач, ишонч билан ишга киришардим. Отам хонадонимизнинг файзи, таянчи эканлари вақтида тушуниб етмабмиз».

Кексаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида ўтган ҳафта Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан кўпгина кумматли фикрлар билдирилди. Улардан умрбод қардорлигимиз, бугунги кунимиз боболар хизматининг меваси эканлиги қайта-қайта таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Хотира майдонида журналистларга берган интервьюларида: «Минг афсуски, бундай фикрлар бизларга байрам кунлари кўпроқ келади» деганларида ҳаммамиз дил-дилдан қўшилдиқ, нега шу ҳақда ўйлабмиз, деган мулоҳаза кўнглимиздан кечди.

Ҳақиқатан ҳам, қари билганини пари билмайди. Кекса одам яшаётган хонадонда ҳеч ким овозини баланд қўйиб гапирмайди. Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма, деган қоида асрлардан-асрларга ўтиб келган. — Отажон, нариги маҳаллада дўстим тўй қилаяпти, шунга бориб келсам, майлими? — Айтган бўлса, борақол. Фақат бемаҳалга қолима.

Келинг, ота-бола мулоқотини биргаликда таҳлил қилайлик. Муқтадил ҳаётга қадам қўйган йигит ўша тўйга отасига айтмасдан ҳам бориши мумкинми? Албатта, сўрамай борувчилар ҳам кам эмас. Лекин ўғил отасидан бир оғиз сўраш орқали, аввало, падари бузуқворининг хизматини жойига қўйганини тушуниб турибмиз. Ота ҳам фарзандининг тўй қилаётган дўстига меҳр-оқибат кўрсатишга талпинаётганидан рози, айна пайтда «бемаҳалга қолма» деган сўз билан ҳам жигаргўшасига, ҳам ўша хонадонга қанчалик тинчлик-осудалик тилаётганини намоян этмоқда. Ўғил ҳам то уйига қайтиб келгунча ота ўғитини ёдда тутари.

Еши улуг инсонга ҳурмат, ўзидан бир неча қўйлак кўп йиртган одамнинг фикри билан ҳисоб-

лашиш миллатимизга хос қадриятдир. Эҳтимол, Фарб мамлакатларида айнан шу хислатимизни муқтадил фикрлашга эид, деб баҳолашлари ҳам мумкин. Лекин ҳар қанча кўп нарсани кўрмайлик, ота-она фикрига қулқ осиб замирида жуда катта ҳикмат ётибди. Аввало, ота-она ҳамиша фарзандига яхшилик соғинади. Мақсадига ҳалол, адолатли йўл билан эришишни истади. Билдирилган ҳар бир фикр, ўғит узоқ йиллик ҳаёт сабоқларидан хулоса чиқарилган ҳолда ихроф этилади. Истаган сангиз, айнан шу нарсга шарқона демократиянинг нақ ўзгинаси.

Кекса авлодга ҳурмат, эҳтиром билан муносабатда бўлиш бизда давлат даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида шундай эътибор қўйилган: «Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Мамлакатимиз Президенти табаррук ёшдаги инсонлар ҳурматини жойига қўйиш ҳақида гапириб, қарияларимизнинг умрини узайтиришга, ҳаётини мазмунли қилишга, бунинг учун шароит туддириб бериш барчамизнинг қўндалик бурчимизга айланиши кераклигини таъкидладилар. Албатта, муқтадиллик йилларидан бири «Қарияларни қадрлаш йили» деб аталди. Айна пайтда, кекса авлодга эътиборимиз янада баланд бўлиши, бундай муносабат пировардида ўзимизга эзгу мева бериши уқтирилмоқда. Назаримизда, қарияси бахтли юрт чинакам саодатли юрт. Отажон-онахонларимиз фароғатда ва мамун ҳолатда яшасалар, уларнинг фарзандлари юз-қўлариди ҳам шундай кайфият намоян бўлади. Улар тимсолида тинч ва осойишта ҳаёт, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ёрқин акс этади.

Шўхрат ЖАБОРОВ.

Инсон манзаралари

ТАНЛОВ ФОЛИБИ — ЁШ ОИЛАЛАР

"Туркистон" саройида 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан "Энг намунали ёш оила" кўриктанлови бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимизда истиқомат қилаётган ёш оилалар вакиллари иштирок этди.



Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитини яратиш, уй-жойларини ободонлаштириш учун зарур маблағ ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш алоҳида вазифа сифатида белгиланган. «Энг намунали ёш оила» кўриктанловида ҳам давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлардан оилаларнинг қай тарзда самарали ва оқилона фойдаланаётгани, оила аъзолари-

2008 йил — Ёшлар йили

нинг билими, тафаккури, оиласида шакланган соғлом маънавий-ижтимоий муҳит билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Бош совринга юнусободлик Ҳасан Носирхўжаев оиласи сазовор бўлди. Биринчи ўринга Миробод тумани вакили Равшанбек Юсупов, иккинчи ўринга Мирзо Улуғбек туманидан Баҳром Қўлташев, учинчи ўринга Собир Раҳимов туманида яшовчи Акмалжон Иброҳимов ҳамда Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Зиёвдон Исмолов оиласи лойиқ топилди. Фолибларга тадбир ташкилчиларининг совғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири. Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИЧБ

жамоаси

мамлакатимизнинг кончилик ва металлургия саноати ходимларини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан чин дилдан муборакбод этади.

Баргана сижати-саломатлик, оилавий бахт, Ватанимиз паракқилетти йўлида амалга ошираётган эзгу ишларида омад пилайди.



Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Қумқўрғон туманида Сурхондарё вилояти ёшларининг форуми ўтказилди. Мазкур анжуман «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида ўтди.

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Форум иштирокчилари қумқўрғонлик тенгқўрлари ҳаёти, уларнинг таълим, спорт ва маданият соҳасида эришяётган ютуқлари билан яқиндан танишишди. Чиндан ҳам, туман ёшлари бу борада ҳавас қилса арзиғулик натижаларни қўлга киритмоқдалар. Футбол мактаб-интернатида қарашли мўъжаз стадион спорт усталининг кўргазмали чиқиши, миллий-маданий марказларнинг мусиқий дастурлари, театрлаштирилган томошалар намойиши билан гавжум бўлди. Айнакча, ёш келин-қувларга никоҳ гувоҳномалари топширилиши, 15 та ёш оилага тижорат банклари томонидан ажратилган истеъмол кредитларининг тақдим этилганлиги форум иштирокчиларига чинакам байрамона кайфият улашди. Шундан сўнг «Биз гўёхандликка қаршимиз» деб номланган ишю ва расмлар кўрик-танловининг фолиблари ҳамда ўқишда ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган ёшлар ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Форумда вилоят ҳокими Т. Жўраев иштирок этди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for GUNWOO SHU'BA CORPORATION. Features a list of 6 types of polyethylene pipes with diameters from 100mm to 1200mm. Includes contact information for the company in Tashkent.

Advertisement for VERSALY flooring. Promotes Russian linoleum with contact numbers 234-48-11 and 234-49-58. Mentions certification and flexible payment options.

Advertisement for NURON servers and computers. Features Fujitsu and Siemens logos. Promotes a 3-year worldwide warranty and German production. Contact info: ул. Лисунова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60.

Advertisement for HAZIRIYON and UMARALI OTANING. Promotes services for Uzbekistan citizens and mentions awards from the Ministry of Education.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes contact information for the editorial office and subscription details.

Advertisement for Bo'sh muharrir Utkir RAHMATOV. Provides contact info for the newspaper's editorial office and subscription rates.

Advertisement for 'Шарқ' newspaper. Promotes a subscription to the newspaper and mentions its location in Tashkent.

Advertisement for Manziliy. Lists various services and contact information for the company.